

SOME METHODS OF PROTECTION AGAINST ERRORS IN LIGHT INDUSTRY ENTERPRISES

Vasiev X.U

senior lecturer at the Andijan Institute of machine-building

Maxmudov D.S.

Master of Andijan Institute of machine-building

Abstract: This article discusses the importance of product protection in error detection process (Error Proofing, Mistake Profing, Poka-Yoke) in light industry enterprises, detection and prevention of employee error, and ways to reduce the number of errors.

Keywords: Color Marking Method, Error Proofing, Mistake Profing, Poka-Yoke, BIQS, Error Protection, Incompatibility, Tape Sticker, Dynamometer, Error Detection Method.

ЕНГИЛ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ХАТОДАН ХИМОЯЛАНИШНИНГ АЙРИМ УСУЛЛАРИ

Васиев X.У

Андижон машинасозлик институти катта уқитувчиси

Махмудов Д.С.

Андижон машинасозлик институти магистри

Аннотация Ушбу мақола енгил саноат корхоналарида хатолардан химояланиш жараёни (Error Proofing, Mistake Profing, Poka-Yoke) айнанигини тасдиқлаш, ходимлар хатосини топиш ва олдини олишида маҳсулот ишилаб чиқаришидаги аҳамияти ҳамда хатолар сонини камайтириши усулларини муҳокама қиласи.

Калим сўзлар: Рангли белгилаш усули, Error Proofing, Mistake Profing, Poka-Yoke, BIQS, хатолардан ҳимояланиш, номувофиқлик, магнитола наклейкаси, диномометр, хатони топиш усули.

Инсон қўп турдаги ишларни бажариши даврида доимо бир қанча хатоларга йўл қўйиши мумкин. Айниқса, бу холат енгил саноат корхоналарида ҳам тез тез учраши кузатилмоқда. Булар хотира эфекти натижасида юзага келади, шундай бўладики уйга машинада кетаётганингизда ярим йўлни унитиб қўясиз. Бундай эфектлар кечки сменада ишлаётганларда тез-тез такрорланиб туради. Енгил саноат корхоналарида ходимларни хато қилишларини олдини олиш маҳсулот хавфсизлик ва сифатни таъминлашда жуда муҳим ҳисобланади. Бир матони тайёрлаш учун кўплаб жараёнлар керак бўлади, унда эса, минглаб ходимлар иштирок этади, бу эса минглаб хатолар бўлиши эҳтимоли борлигини кўрсатади [3].

Енгил саноат корхоналарида номувофиқлик(нуқсон)га йўл қўймасликда BIQS (Built-In-Quality Suppliers) етказувчилар учун мужассамланган сифат тизимининг 30 элементларидан бири ҳисобланган “Хатолардан ҳимояланишнинг айнанлигини тасдиқлаш (Error proofing Verification)” олтинчи элементи талабларини қўйган. Унда хатолардан ҳимояланиш ва уни олдини олиш усулларига асосий эътиробни қаратилган [1].

Хатодан ҳимояланишни қандай номламайлик, яъни инглизча Error proofing, Mistake Proofing ёки японча Пока-Йока (Poka-Yoke), уни асосий мақсади - хатолар бўлишини олдини олиш, хавфи юқори бўлган муаммоли жойларга хатодан ҳимояловчи восита(метод)ларни қўллашдир [2].

Хатодан ҳимояланиш нима? У енгил саноат корхоналарида юза келиши мумкин бўлган номувофиқ ва уни оқибатида истеъмолчи талабини қаноатлантирмасликка ёки йўқотишларга олиб келиши мумкин бўлган хавфларни олдини олиш восита(метод)ларидан фойдаланишдир.

Енгил саноатда хатодан ҳимояланиш қачон күлланади?

- Оқибати истеъмолчи учун юқори хавфли жойларга;
- Юқори йўқотишларга олиб келувчи жойларга;
- Аҳамияти, юзага келиш, топилиши юқори номувофиқликларга.

- Амалий фойдаланиш ва даврий текширишлар олиб бориш орқали [5].

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, енгил саноат корхоналарида лойиҳачи ва технолог мухандислари мазкур масала бўйича ўз билим ва кўникамларини доимий такомиллаштириб туришлари шарт.



新郷 重夫
Shingo Shigeo

Япониялик сифат соҳаси эксперти Шигео Шинго (Shigeo Shingo) томонидан Пока-Йоқа ғояси ишлаб чиқилган [2].


Poka — «хато қилиш мажбур эмас»

Yoka — «қочиши»

Енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришда хатодан ҳимояланиш айнанлигини тасдиқлаш, амалий фойдаланиш ва даврий текширишлар орқали хатолардан ҳимояланишда ишчиларга ёрдам бериш ва хатолар сони камайтириш ёхуд умуман нолга тушириш имконини беради.

Хатодан ҳимояланиш манфаатдорлик ғояси жуда муҳим:

Иккинчи жаҳон уриши даврида парашютистлар ўз парашютларини ўзлари таҳлашганлиги сабабли парашютларни таҳлашда хато бўлиши олди олинган.



Бунинг натижасида парашютларни таҳлашдаги хато қилиш даражаси 3% дан 0% га тушиб кетган, сабаби парашютистлар олдида

хаёт мамот масаласи кўндаланг бўлиб турган.

Хатоларни олдини олишда рангли белгилаш усули.

Ишни тўла бажарган ишчи рангли белгилаш билан талаб тўла бажарилганлигини белгилайди, кейинги жараён эга ранг белгисини кўриши билан талабни тўла бажарганлигига ишонч ҳосил қиласиди [4].

Хато қилмасликни лойиҳалашда ҳисобга олиш усули

Магнитола наклейкасини ўрнатиш (мисол)

Қўйидаги магнитола наклейкасини кўриниш-шакли ва ўрнатиш жойи симметрик бўлиб, икки ҳил қўринишда ўрнатиш имкони мавжуд, лекин фақат биттаси тўғри:



Дизайн эски


Қўйидаги ҳолатда нотўғри ўрнатиб қўйиш мумкин:



Юқоридаги ёзув(эмблема)ли наклейкани шундай ёпиштириш усулини аниқлаш лозимки, ўрнатишда нотўғри ёпиштирилишига йўл қўйилмасин.

Хатолардан ҳимояланиш энг яхши методи:

Лойихалаш жараёни даврида шундай қисм лойихасини ишлаб чиқиш лозимки, уни йиғиши жараёнларида нотүғри ўрнатишга йўл қўйилма




Бундай ҳолатда фақат тўғри ўрнатиш мумкин!

Агарда қисмни ўрнатишда турли ўрнатиш имконияти мавжуд бўлса, уни шундай лойихалаштириш лозимки, фақат бир усул билан тўғри ўрнатиш имкони бўлсин [1].

Хатони топиш усули (мисол)

Катта хажмдаги коробкани
хато ўтиб кетиши олди олинади.



Мақсадга интилиш усули

Хатолардан ҳимояланиш -
ишлилар ўртасида
мужассамланган сифат шиори асосида қўллаб кувватлаш.

Ўз харидори талабини қаноатлантириш ғояси;



Нуқсонни Муаммони жамоа бўлиб хал

Этиш.

«Нуқсонни яратмайман» - хатолардан ҳимояланиш жараёнида нуқсонларни олдини олиш стратегиясидан фойдаланиш. «Нуқсонни қабул құлмайман ва ўтказмайман»- хатолардан ҳимояланиш жараёнида нуқсонларни топиш стратегиясидан фойдаланиш. «Нуқсонни яратмайман», «Нуқсонни қабул құлмайман» ва «Нуқсонни ўтказмайман» булар бир-биридан аниқланишида фарқлансада, асосан бир йўналишга хатога йўл қўймасликка қаратилган.

Енгил саноат корхоналарида “Хатолардан ҳимояланиш (Error proofing Verification) нинг айнанлигини тасдиқлаш” лойиҳалаш ва технология FMEA (Potential Failure Mode and Effects Analysis) Юзага келиши мумкин бўлган номувофиқликлар турлари ва оқибатлари таҳлили, сифат менежменти тизимлари, маҳсулот, жараёнлар ва даражали аудитларни даврий ўтказиш натижалари орқали олиб борилади [5].

Хуноса қилиб айтганда хатолардан ҳимояланишнинг энг яхши методи:

- Технологик ускуналарни шундай лойиҳалаш ва уларни ишлаб чиқиши жараёнларини шундай ташкил этиш лозимки, қайсики ишлаб чиқариш ёки йиғишда тузатишларга йўл қолмасин;
- Хатолардан ҳимояланиш жараёни (Error Proofing, Mistake Profing, Poka-Yoke) айнанлигини тасдиқлаш топиш ва олдини олиш билан истеъмолчиларга салбий таъсир этувчи ва ортиқча харажатларни олдини олади;

- Хатолардан химояланишни қўллашда ахамияти мезонлридан фойдаланиш (Олдини олиш, топиш, инсонлар фикри ва бошқалар орқали);
- Хатодан химояланишдан биринчи қадами бу хато қилмасликга ҳаракат қилишдир.

Адабиётлар

1. Амалий қўлланма. GMS- Глобал ишлаб чиқариш тизими (ишлаб чиқаришни бошқариш ва сифат менежменти тизими мутахассислари учун). /А.А. Мамажонов, П.Т. Бердимуратов, И. Х. Матякубов, М.К. Султанов, Маҳмуджон Абдужабборий/ 1-тахрир. Тошкент. Турин политехника университети, 2011. –54бет.
2. Н. Р. Мани. Почему это произошло в Японии, а не в США// «Курс на качество» № 1,1991, Калуга, с.16-28.
3. Анализ видов и последствий потенциальных отказов. FMEA. Справочное руководство. Перевод с английского четвертого издания от июня 2008 г. - Н.Новгород: ООО СМЦ "Приоритет", 2009. - 142 с.
4. ГОСТ Р 51814.2-2001 «Системы качества в автомобилестроении. Метод анализа видов и последствий потенциальных дефектов». М.: "Издательство стандартов" , 2001. - 18с.
5. ISO 31000 Хавф менежменти гурух стандартлари. Принцип ва қўлланма.